



КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

ССЖИ Бош Прокурори Н. Трубин, ССЖИ ички ишлар вазири Б. Пуго ва ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси В. Крючков истеъмо моллари ҳамда хом-ашё гайриқонуний оборотда бўлишининг пайини қирқиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ҳақида жойлардаги ташкилотларига кўрсатма бердилар.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш марказий идораларининг раҳбарлари юзага келган аҳволнинг кескинлигини ва унга чида бўлмаслигини ҳисобга олиб, иттифоқдош жумҳуриятлар прокурорларига, ички ишлар вазирилари ва давлат хавфсизлиги қўмиталарининг раисла-

рига маҳсулотлар гайриқонуний тарзда оборот қилиниши ва чиқиб кетиши йўларини беркитишга доир қўшимча қўшма аниқ-равшан тадбирларни зудлик билан амалга оширишни тақлиф қилдилар. ССЖИ Президентининг жумҳуриятлар Олий Кенгашлари ва ҳукуматларининг раҳбарларига йўллаган 1991 йил 31 мартдаги хатига асосланиб, асосий эътибор давлат чакана ва бошқариладиган нархларда сотиш учун мўлжалланган моллар ишлаб чиқариладиган, ташиладиган, сақланадиган ва сотиладиган ерларга, шунингдек хоридан келаётган молларга, нарх-наво интизомига риоя этиш устидан назорат ўрнатишга қаратилди.



ТАРТИБ БУЗИЛМАДИ

4 апрель кунин талабалар Тошкент муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи олди-

да тўпландилар. Нарх-навоининг ўсиб кетганлиги муносабати билан улар ўз коро-



эликларини шу тарзда байъ этдилар.

Энг аввало тинчлик посбонлари — милиция ходимлари бу йиғинининг осойишта ўтишини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Ешларга ҳар қандай талаб ва тақлифини назорат қилиш билан, ақл-идрок билан ифодалаш кераклигини ўқтирдилар.

Фирқа ва ижроия қўмиталари вакиллари, олий билимгоҳ мураббийлари ила толибларининг ҳақли эътирозларининг диққат билан тингладилар, улар учун бир қанча имтиёзлар яратилишига ваъда қилдилар.

Шундай қилиб, ёшларнинг норозилик чиқиши осойишталик билан ақунланди.

Р. ҚОСИМОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ ИШ РЕЖИМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Декрет вақти бекор қилиниб, республикада минтақа вақти жорий этилгани муносабати билан. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон ССР Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши аҳолининг, меҳнат жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб қарор қилдилар:

1. Республика вазирилари, идоралари, ташкилотлари ва муассасалари аппарати ходимлари учун 1991 йил 8 апрелдан ишнинг эрта-лаб соат 9 да бошлаш графиги белгилансин.

2. Ишлаб чиқариш ва меҳнаткашлар манфаатлари ҳис-

обга олиниб, Ўзбекистон ССР Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда корхоналар учун иш бошлашнинг қулай графигини жорий қилиш тавсия этилсин.

3. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идоралар бир ҳафта муддат ичида транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, умумий оўқатиланиш корхоналарида иш бошлаш графигини минтақа вақтига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон ССР Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси
Б. АЛЛАМУРОВОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
Н. КАРИМОВ.

«02» ХАВАРЛАРИДАН

АНГРЕН шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Г.нинг хонадонига тушган ўғри уй соҳибининг 1200 сўмлик китобларини ва 3% заёмини ўғриб кетгани ҳақидаги хабарни олган қидирув гуруҳи «китобсевар ўғрининг» изига тушди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТОШКЕНТ туманида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Х. Муқимов 19 февраль кунин номълум шахс тақлиф қилган тилла буюмларини сотиб олган. Бироқ уларнинг қалбақлигини аниқлаб, 1100 сўмга куйиб қолган харидор бу ҳақда бир ойдан кўпроқ вақт ўтказиб туман ИИБга хабар берган.

ЧИРЧИҚ шаҳар ИИБга келтирилган Тошкент трактор заводи ишчиси Д. Лихачевдан 16 калибр «ИЖ-18» белгилли қурол олинган. У қардон, қачон, қай мақсадда олингани тергов давомида маълум бўлди.

ОҲАНГАРОН тумани ички ишлар бўлими ходимлари бу йилги «Кўкнори-91» операциясини эртароқ бошлаб юборишди. Утказилган рейд вақтида темир йўл машинисти Л.нинг уйдан 150 грамм наша топдилар.

ЯНГИОБОД шаҳар милицияси ходимлари эса С. У.нинг хонадонидан 28 грамм наша,

100 грамм қуритилган кўкнори топдилар. Наркотик моддалар мусодара қилинди.

ҒАЛАБА туманининг 48-мактаб ўқувчиси В. Лян баҳорги таътилда баллиқ овламоқчи бўлди. Қармоқ ташлашни ўзига эп кўрмай янги кашфиётини синамоқ мақсадида электр симининг бир учини сувага тикди. Аммо эҳтиётсизлиги туфайли иккинчи учини овғи билан туртиб юбориши ҳаётига нуқта қўйди.

ҚИБРАЙДА ўчирилмаган шамдан ёнғин чиқди. Ут ўчирувчилар хонага киришганда 96 ёшли уй бекаси П. Трифонова жонсиз ҳолда ётарди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, ички хизмат майори.

«НОЧОР» ТОВЛАМАЧИЛАР

Иттифоқ ИИВнинг уюшган жиноятчилик билан кураш бош бошқармасининг ўлкаларро бошқармаси ходимлари 2 апрель кунин Тошкент вилоятида тўрт товламачини (улардан бири аёл киши) қўлга олдилар. Улар кичик корхона директори Н.дан 75 минг сўм пул талаб қилишган. Акс ҳолда уйи куйиб қулга айлангани ва онласи бошига кулфат тушишини айтиб, дўқпўнса уришган.

Пулни олиш чоғида ушланган товламачиларнинг ёши 25-30 ларда, икки нафари олий маълумотли. Уларнинг яшаш жойи тинтув қилинганда 500 минг сўмликдан зиёд автомашини эҳтиёт қисмлари, катта миқдорда хоридий матолар чиқди. Шунингдек, гранатомёт ҳам топилди. Текширув давом этмоқда.

Ғ. ЖҲРАЕВ.

АҲВОЛЛАР ҚАЛАЙ, МИЛИЦИОНЕР?

«Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 13 февраль сонига ҳамкасбим, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, милиция капитани Комилжон ака Тожиёвнинг «Менинг милициям мени қўриқлайдими?» деб номланган мақоласини ўқиб чиқиб, олдин жуда севиным, сўнгра қайфиятимни оғир ўқиниб ва хафақонлик ёгалладим.

Хурсандчилигимга сабаб, мен Комилжон акани кўп йиллардан бери танийман, бир неча йил бирга ишлаганман, у мен билган одамлар орасида милиция ходими деган шарафли номни пок, беғубор сақлай олган инсондир. Энг нуфузли рўзнома саҳифаларида босилиб чиққан бу мақола кўпчилик олдидан ва ҳалол милиция ходимларининг янғроқ овози-

дир. Мен шунга қувондим.

Хафа бўлишимга сабаб эса айни пайтда милиция ходимларининг ишлаш ва яшаш шартлари оғирлиги, жиноятчилик ва қондабузарлик ўсиб бораётганлиги, одамлар бизнинг ишимиздан қониқмаётганлигидир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги шароитда милиция жиноятчиликка ва қондабузарликка қарши кураш ҳамда халқ осойишталигини таъминлаш каби ўзининг энг асосий вазифаларини тўласича бажара олмайди. Бу аччиқ ҳақиқатдир. Бу фикрим учун касбдошларим мендан ранжимасинлар, уни тан олиш ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Энди савол тугилади, нима учун милиция жиноятчиликка ва қондабузарликка қарши курашда ҳамда халқ осойишталигини таъмин-

лашда ожизлик қилапти? Бунинг сабаблари кўп. Асосий сабаблардан биринчиси, амалдаги қонунларимизнинг номукамаллигидир, бошқача қилиб айтганимизда қонунларнинг «юмшоқ»лигидир, яъни жиноятчи ҳам, қондабузар ҳам содир қилган жиноятга, қондабузарлигига мос келадиган жазони тўлиқ олаётгани йўқ. Ёнгилроқ жазо олиб келмоқдалар. Амалдаги қонунлар жиноятчига нисбатан инсонпарварлик руҳида бўлиб, жиноятчи ва қондабузарга берилмайдиган жазони енгиллатиш тарафидандир. Бу «енгиллик» эса қайтадан бемалол жиноят ёки қондабузарлик содир қилиш учун замин бўлаётди. Ахир, бундан ўттиз йил олдин чиқарилган қонунларимиз эскириб қолмадими? Уларни янгилаб, жазолаш

Дардимни кимга айтаман?

кучини ошириш, яъни қонунларни кучайтириш пайти келмадимикан? Оддий меҳнаткашларни қон-қақшатиб, пешона тери, ҳалол меҳнати овозига топган пулни ўғирлаётган кассавурларни, халқ тинчлигини осойишталигини бузаётган жиноятчиларни худди норасида гўдакдек қачонгача авайлаб-асраймиз, «бошини силаймиз»? Бу инсонпарварлигимиздан оддий меҳнаткаш жабрланмоқда, қолаверса, биздан ранжиб, нафрати ошмоқда.

Мен бу фикрим билан ҳамма айбни қонунларнинг «юмшоқ»лигига тўнкаб, милицияни оқлаб, уни хато, камчиликлардан ҳоли қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Олдин таъкидлаганимдек, милиция

(Давоми 2-бетда).

ЎҒРИГА ЧАЛПАК ЁҒИЛДИ

Эгаси минг кун, ўғри бир кун пойлайди. Пойламасачи? Унда эгри қўлга осмондан чалпак ёққандай бўлади.

Пешона тери эвазига топилаган буюмни эҳтиётлаш борасида фуқароларга деярлик эътироз йўқ. Бироқ кўпчиликка қарашли давлат ва жамоат мулкани ҳар хил учарлардан асрашда эса лоқайдлик ҳужм сураётгани сир эмас.

29 март куни кечаси биргина Жиззах шахрида икки ҳодиса қайд этилди. 8-дон комбинати кассасонасига ўрнатилган кўриқлаш воситасининг носозлиги ҳеч кимни ташвишга солгани йўқ. Бундан фойдаланган номаълум киши тунда эшикни бузиб кириб, 12 минг сўм сақланган темир қутини очишга ҳўб уринди. Ҳайтовур темир бақувват экан, ўғри кассасонадан бурнини қўлига тикиб чиқди. Ҳушёрлик сабоғини сувдэй ичиб юборган қоровуллар эса ширин тушлар кўриб ётишбەرган.

Шу куни кечаси аккумулятор заводига кирган кишилар эса «Интекс» ширкати ижарага олган цехдаги электролит сақланаётган цистерна қулғини бураб қўйишди. Ҳаш-паш дегунча бўлмай 12 тонна қимматбаҳо суюқлик оқиб кетиб, ширкат 12 минг сўмга тушди. Мутахассисларнинг фикрича, атраф-муҳитга зарар етгани йўқ. Буни цистернани кўриқлаши лозим бўлган пойлоқчилар ҳам таъкидлашмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги матлубот жамиятига қарашли 26-дўкон қулғини бузган ўғрилар 10 минг сўмлик буюмларни ўмариб кетишди. Қоровулларнинг назарида ҳамма ёқ тинчлик бўлган экан.

Ғ. БОЛТАБОВ.

Сўнгги 15 йил ичида ЎзССЖда жиноятчилик аҳволи

Жиноятнинг содир бўлишида 250 дан кўпроқ омил роль ўйнайди. Улар орасида об-ҳаво шароитидан тортиб сиёсий ўзгаришларгача бор.




Турғунлик даврида жиноятчиликни акс эттирган рақамлар нисбатан қониқарли кўринади. 1983 йили «портлаш» юз берди. Худди шу вақтдан ички ишлар идоралари фаолиятида кенг томир отиб кетган ҳисоботни сунъий равишда бўяб кўрсатиш одатига зарба берилди бошланди. Чунки айрим «тертўкар» раҳбарлар қоғоз кучи билан жиноятни 100 фоиз «очиш ташлардилар».

Ҳозир рўйхатга олинаётган жиноятлар сони юз бераётган жиноятлар сонига яқинлашиб қолди. Ҳуқуққа муносабатнинг энг тинч даври ҳисобланган 1985-1986 йиллар ичкиликхўрликка қарши қаттиқ кураш мевасидир.

Иқтисодийдаги ўткир танглик, жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий мураккаблик ва қарама-қаршиликлар 1989 йили оператив ҳолатнинг жиддий оғирлашишига олиб келди. Мана шу шароитда милициянинг камсонли эканлиги сезилиб қолди. Жамоат тартибини сақлашга тез-тез жалб қилиниш оқибатида қатор жиноятлар очилмай қолди. 1989 йили жумҳуриятимизда 600 дан зиёд митинг, оммавий йиғинлар бўлиб ўтди.

1990 йили жиноятчиликнинг ўсиш суръати сезиларли пасайди. Жиноятни очиш яхшиланди. Қўшимча молиявий маблағ манбааларини жалб қилиш эвазига патрул-пост хизмати бўлинмалари штати сони оширилди, бу ўз навбатида кўча-кўйдаги жиноятчиликнинг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда ЎзССЖда жиноятчилик даражаси иттифоқда энг паст кўрсаткич-



лардан бири ҳисобланади. Жумҳуриятимизда ҳар 100 минг киши ҳисобига 436 та, мамлакат бўйича — 969 та, Эстонияда — 1511 та, РСФСЖда — 1246 та жиноят содир этилган.

Жиноятчиликнинг умумий таркибида шахсий мулкни ўғирлаш энг катта салмоқни ташкил этиб, айрим йиллари 28 фоизга етди. 15 йил ичида фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш 2,6 миңдан 22,7 миңга кўтарилди (деярли 9 баравар кўп). Уларнинг кўпчилиги хонадон ўғирлиги ҳиссасига тўғри келмоқда. Хонадон-

ларни тажовулардан асраш масаласи кўплаб иқтисодий, техник ва бошқа муаммолар билан уйғунлашиб кетган. Тошкент шаҳрида уларнинг айримлари ҳал этилгани сабабли ижобий натижаларга эришилди. 1990 йили хонадонлардан ўғирлик олдинги йилга нисбатан 9 фоизга қисқарди.

Босқинчилик ва талончиликнинг олдини олиш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Милициянинг ҳозирги сони билан энг хавфли жойларни назоратда сақлаш мушкул. Вазият кўнгил-ли халқ дружиначилари фао-

лият амалда йўққа чиққан туфайли оғирлашган.

Ўсмирлар билан онлада, иш ва ўқиш жойида тарбиявий иш олиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани кўзга яққол ташланмоқда, аҳолининг ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасизлиги сусаймоқда. Аксарият кўп жойларда КХД штаблари, меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш Кенгашлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича бошқа ташкилотлар қоғоздагина ишлашмоқда.

ЎзССЖ НИВ ТАШКИЛИЙ-НАЗОРАТ БОЎЗҚАРМАСИ.

АХВОЛЛАР ҚАЛАЙ, МИЛИЦИОНЕР?

Дардимни кимга айтаман?

(Давоми. Боши 1-бетда)

фаолиятида ҳам хато, камчиликлар етарлича. Тўғри, беш бармоқ тенг эмас, деганларидек милиция ходимлари ичида ҳам ҳар хиллари мавжуд. Чунки милиция ходимлари ҳам халқнинг бир бўлаги, жамиятга хос бўлган барча «илятлар» милицияга ҳам тааллуқли. Милиция ҳам дарё оққан томонга оқаяпти, тўлқинга қарши сузишга ожизлик қилмоқда. Иккинчидан, жиноятчиларга қарши курашда ишлатадиган техник воситаларимиз жиноятчилар қўлидаги анжомлардан сифат жиҳатидан ҳам, сон жиҳатидан ҳам анча орқада қолиб кетган. Масалан, мен хизмат қилаётган туман ички ишлар бўлимида милиция ходимларини бир-бири билан боғловчи алоқа воситаси бўлган кичик ҳажмли осма радиостанциялар сони 6 та холос. Шу 6 тасининг ҳам 2 таси бузуқ, ишламайди. Керак пайтда, узоқ қишлоқдаги телефони йўқ жойда ишлаб турган милиция ходими билан боғланиб кўринг-чи. Мана шу оддий етишмовчилик учун халқ ичида «милиция қақриувга вақтида етиб келмайди, уларни ишда топиб бўлмайди» деган гап-сўзлар келиб чиқиб, уларнинг ҳаққоний ранжишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари мен 10 йилдан ошиқ милициядаги фаолиятим давомида жиноятчи, қондабузар бошқараётган транспорт воситасини мажбуран тўхтатиш учун қўлланиладиган «Кирпи» номли игнали лентани бир марта ҳам кўрганам йўқ. Суриштириб кўрсам, бўлигимизда шу «Кирпи»дан бир нусхагина

бўлиб, у ҳам ҳеч қачон ишлатилмаган экан.

Шу ўринда менинг бир таклифим бор. Милиция ходимлари аниқланган қондабузарлардан ундириладиган жарималарнинг маълум бир қисми ҳеч қандай тўсиқларсиз, қонуний ҳолда туман ички ишлар бўлими ҳисобига техник жиҳозлар олиш учун қолдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳолда шу воситалар учун маблағ излаб, норхона, ташкилотларга бориб, «илтимос»лар қилиб юрмас эдик.

Биз, милиция ходимлари Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгаши 1990 йил 31 октябрда қабул қилган «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонунни жуда хурсандчилик билан кутиб олган эдик. Чунки Совет давлатининг 73 йиллик тарихида биринчи марта милиция тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Шу пайтгача Октябрь инқилобидан уч кун кейин туғилган милициянинг ниҳоятда зарур фаолияти фармонлар ва ҳар хил қарорлар билан идора қилиниб келди. Кафилик бериб айтганда, қонун билан ҳар хил қарорларнинг таъсир кучи солиштирилганда, осмон билан ерча фарқ бор. Олий маълумотли ҳуқуқчи сифатида бу гапни айтаётirman. Демак, Совет давлати милиция фаолиятига шу пайтгача етарлича эътибор бермай келди. Иттифоқ миқёсида ҳали ҳам милиция тўғрисида қонун йўқ. Фақат унинг лойиҳаси мавжуд. Лекин биз тилга олган қонун ҳам милиция ходимларига жиноятчиликка, қондабузарликка қарши кураш учун зарурий ша-

роитларни яратиш бермади, яъни оддий тилда айтганимизда ҳуқуқбузарликка қарши курашаётган қўл ва оёғи боғлиқ милиция ходимларининг фақат оёғи банддан бўшатилди, қўли эса боғлиқ ҳолда қолиб кетди.

Хўш, бу қонуннинг амалда қўлланилиши қандай аҳволда? Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан бу қонун жойларда, меҳнат жамоаларида етарлича тарғиб қилинишига қарамасдан, бу қонун талабларини бузиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Мен ҳозир бир неча мисол келтириб ўтаман:

1990 йил ноябрь ойида Турлан шаҳридаги Собиров номли кўчада «Москвич-412» белгили Д 72-67 ХЗ рақамли энгил машинани бошқараётган Сапаров Баҳром милиция ходимининг қонуний талабига бўйсунмасдан ҳужжатларини кўрсатишдан бош тортди, бу ҳаракати билан у «Ўзбекистон ССЖ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мажмуаси»нинг 187-моддасида қайд қилинган қондабузарликни содир қилди. Шундан сўнг В. Сапаровга нисбатан тўпланган материаллар чора кўришлик учун Турлан шаҳар халқ судига юборилди ва у тегишли жазосини олди.

1991 йил 2 февраль куни 1965 йилда туғилган, Турлан пахта тозалаш заводидан ишчи бўлиб ишловчи, Турлан посёлкасининг Завод кўчасидаги 16-йўда яшовчи Матмуратов Баҳодир кечаси соат 23 ларда «Коммунизм» жамоа хўжалигида омибор мудир бўлиб ишловчи Холмуратов Янгибойга тегишли «ГАЗ-24» белгили Б 85-64 ХЗ рақамли машинани бошқа-

риб кетаётиб, милиция ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмайди. Қизиги шундаки, юқоридаги воқеадан тахминан ярим соатча вақт ўтар-ўтмас шу машинани унинг ўғли Икром Холмуратов шофёрлик гувоҳномаси йўқ бўлишига қарамасдан, спиртли ичимлик ичиб бошқариб бораётганида ДАН ходимлари томонидан қўлга олинди. Мана шу мисолларнинг ўзиниқ ўтган йил октябрда қабул қилинган қонуннинг кучсизлигини кўрсатиб турибди. Агар унинг таъсир доираси мустаҳкам бўлганида эди, фуқаролар бу қонунга ҳурмат билан қарардилар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиман. Агар яқин вақт ичида ички ишлар идоралари таркибий тузилишларида кескин ўзгаришлар қилинмаса, жиноятчиликка қарши курашда аҳвол ўзгармайди. Аксинча, кундан-кунга ёмонлашиб бораверди, ҳуқуқбузарлар эса ўзларини янада эркин ҳис қилиб кўпроқ жиноятлар содир қилаверади. Бу ҳолнинг олдини олиш учун Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлигини жумҳуриятга бўйсунувчи вазирликка айлантириш ва унинг идораларини криминал ва муниципал шақллар негизида ислоҳ қилиш ишларини оғирмай амалга ошириб бориш керак бўлади. Агарда криминал, яъни жиноятчиликка қарши курашниш ва муниципал, оддий тил билан айтганда, қондабузарликка қарши курашниш чора-тадбирлари бир-бирига қоринштириб ташланмасдан, режа асосида узоқни кўзлаб олиб борилса, албатта ишда ижобий натижаларга эришилади. Чунки ривожланган чет давлатларнинг жиноятчиликка қарши

кураш фаолиятлари натижалари бу гапларни исботлаб берди. Шунингдек, кўп милиция ходимлари ўз фаолиятлари давомида шундай хулосага келдики, битта милиция ходимига икки фронтда, яъни биринчидан, жиноятчиликка қарши кураш фронтларида иш олиб бориш учун ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан имкониятлари етишмас экан. Мен бу гаплар билан оддий милиция ходимларини, айниқса, участка вакилларининг кўнглидаги гапларни низоҳ қилмоқдаман.

Ниятим, милиция билан халқнинг яқинлигини янада таъминлаш, келгусида ички ишлар ходимлари ўртасида касб маҳоратининг ошганлиги тўғрисида яхши мақолалар ёзишдир. Бу сафаргиси бировларга ёқмаслиги мумкин, лекин мен дилимдаги гапларни қоғозга туширдим, холос.

А. ЖУМАНИЕЗОВ,
Турлан туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори.

ТАҲРИРИЯТДАН: Муаллиф ички ишлар идоралари фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳақида жонкуяр ходим сифатида куюнчаклик билан ёзган. Бу билан мақоладаги ҳамма фикр тўғри демоқчи эмасмиз. Унда баҳс-таҳлил ўринлар ҳам анчагина. Шунинг учун уни ўқувчиларимиз ҳужимга ҳавола этдик. Иттифоқ милицияси ҳақидаги қонунга келсак, мақоладаги таҳрирлар кўнглидаги гаплар ҳамма интиқлик билан кутган бу қонун қабул қилинди. Аммо, унинг матни эълон қилинганича йўқ.

БАЛАНДПАРВОЗ ВАЪДАЛАР СОЯСИДА

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МИЛЛАТЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИ Р. Н. НИШОНОВГА ОЧИҚ ХАТ

МАНА салкам иккч йилдирки, хурматли Рафиқ Нишонovich, серкўёш Ўзбекистонининг содда халқи йўлингизга интизор. Биз аввалига Сизни гурур ва ҳурмат билан кутдик. Чунки «ўзбеклар иши» ҳақидаги бошимизга тош бўлиб ёғилган қатор туҳмат мақола-лардан сўнг кутилмаган бир пайтда, яъни Советларнинг 1 сьезида ҳамюртимизнинг мамлакатнинг олий даргоҳидаги муҳим лавозимлардан бирига сайланиши ҳазил гап эмас эди, ахир! Машҳур «бир ликопча қулупнай» воқеасидан сўнг бу туҳмат ва разолатдан гангиб қолган бўлсак-да, бир-бирига қарама-қарши ўй-хаёллар, газаб ва маломатлар билан бўлсада бериб кутдик. Бошқалар-ку майли, лекин айнан Сиз хурматли Рафиқ Нишонovich, қўлингизга депутатлик вазифасини тантанали равишда тутқазган воқеда юз берган, барча мушфиқ халқлар вужудини ларзага солган даҳшатли биродаркушликнинг асл сабабини бутун дунёга Кремлдан туриб дадил ва очик-ойдин айтишингиз лозим эди, ахир! Сайловолди йиғилишларида содда халққа жуда кўп ваъдалар бериб, ажабки ҳанузга қадар бу ваъдаларнинг бирортасини ҳам бажаролмаган, бажармай юрган, ўз халқидан унинг мунгли ва ўткир нигоҳидан ҳануз қочиб юрган СССР Олий Кенгаши депутати — Миллатлар палатаси раиси бўлмиш, Сиз, муҳтарам зотни улар ҳамон кўтишмоқда. Бир бор кўзингизга тик боқиш учун шу она юрт, она Ўзбекистон учун нима иш қилганингизни, унинг қайси дардига малҳам бўлганингизни ўз оғзингиздан эшитиш учун, ажабки, ҳамон кўтишмоқда. Афсуски уларнинг бу орзулари рўёбга чиқмаса, сароб бўлмаса деб қўрмаган. Ахир, нима гуноҳ қилбмизки, рашидовчиликнинг энг фаол фош қилувчиларидан бири ҳисобланган, айнан ўша турғунлик даврининг қурбони сифатида иззат-ҳурмат топган киши бирдан бизга — ўз халқига орқа ўгирса. Балки шу боис ҳам ҳамюртларингиз билан кўнгил очиб суҳбатлашишдан қочаётгандирсиз. Эҳтимол Сизнинг қалбингизда зарур пайтда қалқиб чиқадиغان эски ва сийқаланган хотиралардан бошқа ўз халқингизга айтадиган гапларингиз ҳам қолмагандир.

Кўр-кўрона ишонилар даври ўтди, Рафиқ Нишонovich. Сийсий шовқинлардан бугун одамлар тўйган. Энди уларга аниқ ва равшан амалга ошиши муқаррар ишлар керак. Республикада Сизнинг муборак но-

мингиз билан боғлиқ хайрли ва савобли ишлар эса афсуски йўқ. Ҳар қалай мен уларни эслаб олмадим. Эҳтимол бундай ишларни қилиш ҳаёлингизга ҳам келмагандир. Эсда қоларли «жўшқин» фаолиятингиз — булар республика ҳукуматининг юқори поғонасидаги кўр-кўрона ва шовша-шошарлик билан амалга оширилган ўрин алмаштиришлар; «рашидовчилар»нинг ўрнига кўпроқ ўзингизга содиқ ва хайрихоҳ кишиларни тайинлашдан иборат бўлган, холос. Йўқса, Ўзбекистон барча республикалар ичиде энг биринчи бўлиб иқтисодий ва сийсий жарликка тойиб кетмаган, на Фарғона, на Паркент фожиялари ва на шунга ўхшаш бошқа ноҳуш ҳолатлар юз бермаган бўлур эди.

Ҳамма нарса қисқашди билганиди. Уша — Сиз мамлакат Олий Кенгашига тайинланган пайтда республикадаги оғир аҳволни кўрган киши Ўзбекистон энди бундан баттар аҳволга тушади, деб ўйларди. Шунданми билмадим, республикадан юксак малакали рус тилига мансуб мутахассислар халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасини бирин-кетин «яланғочлаб» кета бошлашди. Худди шу пайтда бизга Иттифоқ ва хориждаги ҳамкор шерикларимиз ҳақида ва шубҳа билан қарай бошлашди. Бу пайтга келиб «ўзбекистонлик» сўзи «экстремист», «куттурган оломони», «миллатчи» каби бемаъни тушунчалар билан қоришиб кетган эди.

ЛЕКИН шукрки ўрингизга марказдан буюрилган ишни қилишга Сиз каби ўта итоат-гўй бўлмаган, муаммоларни ҳам Сиз каби моҳирона айланиб ўта олмасе-да, лекин ўз ҳаракат дастурига эга, бироз қаттиққўл ва аччиқ ҳақиқатни айтишдан кўрқмайдиган, бироз чапани, лекин янги ва соғлом кучлар келди. Уша пайтларда Ўзбекистонда деярли бир миллион ишсиз борлиги ва Фарғона воқеалари ана шу муаммолар билан бевосита боғлиқлиги ҳақидаги адолатли ва тўғри гапларни бутун мамлакат карахтланиб, ҳайратланиб қабул қилгани ҳали-ҳануз ёдимда. Бироқ гишт қопилдан кўчган эди. Иш энди оғизда эмас, балки амалда бажарила бошланди. Ишсизликни бартараф этиш ва Урта Осиё халқларининг қадимдан мавжуд ҳўнармандчилигини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли тадбир ишлаб чиқилди. Агар ёдингизда бўлса ўтган йилде марказий рўзномалар мамлакатимизда дастлабки учта хусусий корхона иш бошлагани ҳақида хабар берган эди.

Улардан иккитаси Тошкентда, биттаси Самарқанда эди. Халққа ўз истеъдоди ва иқтидорини намойиш қилишга кенг йўл очиб берган «иш билан бандлик» дастурининг амалга оширилиши шундан бошланди. Мулкчиликнинг ранг-баранглигига, марказий телевидение ва матбуот энг қолақ деб атайдиган бизнинг республикамизда биринчи бўлиб кенг йўл очиб берилиши билан фахрлансак арзийди...

Шу билан деярли бир вақтда «пахта мустақиллиги учун» шiori остида ўлкаимизда амалга оширилган бебошликлардан бутун мамлакат воқиф этилди. Бироқ, бу хабар шов-шув учун ўйлаб топилгани йўқ эди. Унинг ортида пахта янқоҳимчилигини йўқотиш тадбирлари турарди. Ўзбекистон ССР Президентининг аҳолига шахсий фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиб, бериш тўғрисидаги Фармонлари чиқди.

Бу халқпарвар сийсат меваларини бир мартагина колхоз бозорига бўлиб кўриш мумкин. У ерда ўзбек заминиде нимаки битса, барчаси бор. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини оширмаслик чора-тадбирлари кўриб чиқилмоқда. Бутун мамлакатда, ҳамма нарса, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ҳам оша бошлаган бир пайтда нон ва нон маҳсулотлари нархини оширмаслик тўғрисида жумҳурият Президентининг Фармони чиқди. Бошқа жумҳуриятлар билан таққосланганда ҳукуматимизнинг олиб бораётган бундай сийсати барча аҳолининг хурматини қозонмоқда...

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин! Йўқ, Рафиқ Нишонovich, мен Сизни олдин Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига, кейинроқ жумҳурият Президентлигига сайланган издошингиз билан таққосламақчи эмасман. Сизларнинг орангизда жуда катта фарқ бор... Бироқ, ўша — Рашидов томонидан қувғин қилинганлигингиз ҳақида ҳаммага гапириб юргангизда, минбарлардан нутқ айтганингизда, ўз халқингиз дардига шерик бўлиш, амалда бирон хайрли иш қилишингизга нима халақит берганлигини билиш истаги менга тинчлик бермайди, холос.

Ўз-ўзидан қалқиб чиқадиغان жавоб ҳам ноҳуш. Сиз ва Усмонхўжаев «рашидовчи» деб атаган «функционал кадрлар»нинг тимсоли ўзингиз эдингиз ва шундайлигига қолдингиз. Ёдингизда борми: «биринчи»га ёқмай, жумҳуриятдан чиқарилиб элчиликнинг иссиқ

ўринидаги бир неча йил ўтирганингиз ҳақида доимо гапирардингиз. Агар Рашидов шунчалик шафқатсиз бўлганида сизни илиқ-иссиқ юртларга тинчгина кетишингизга йўл қўярмиди? Йўқ, албатта.

Ҳокимият тепасига келиб эса Рашидов даврида катта-кичи раҳбарлик лавозимларида ишлаганларни ҳайдай бошладингиз. «Сафларни тозалаш» деб аталган бу фаолиятингизда сиз ҳаммадан ҳам ўтиб тушдингиз. Ваҳоланки, янги раҳбар ўз «команда»сини йнгиши керак деган мантингизга кўра сиз билан бирга ишлаганлар бугун аллақачон ўз лавозимидан кетиши керак эди. Сизнинг «команда»ингиз аъзолари эса янги «биринчи»нинг даврида ҳам айтиш лозимки самарали меҳнат қилишарди. Бугун Ўзбекистонда раҳбар кадрлар ва мутахассислар сийсий қарашларига ҳамда «биринчи»га бўлган садоқатларига қараб танланаётгани йўқ. Ҳар бир ходим фақат ишда, ҳалолликда синалаётди, холос. Қайта қуриш талаби ҳам, янгича фикрлаш мезони ҳам аслида шу эмасми?

БИР вақтлар бутун мамлакат раҳбарларига хос нарса бўлсада Рашидов ва атрофидагиларнинг жуда бой ва ҳашаматли яшаш сийзи негадир жуда қийнади. Лекин бугунги кунда ўз оилангизнинг ўнлаб хоналари бўлган, Ўзбекистоннинг энг зўр усталари зёб берган икки қаватли кошонада «сиқилиб» яшаётганини қандай тушуниш мумкин. Ёки Тошкентда уй-жой муаммоси тўла ҳал этилган ва ҳар бир оила Ўзбекистон коммунистларининг собиқ раҳбарининг оиласи каби фаровон кун кечираётди деб ўйлаясизми? Рафиқ Нишонovich, сиз телевизор экранидан ўзингизнинг камтар, камсуқумлигингиз, ошкораликка хайрихоҳлигингиз ҳақида ишонувчан телетомошабинларнинг раҳмини келтириб жуда кўп бор гапиргансиз. Бироқ бугун ўз уйингиз эшигида милиция пости қўйилгани кўни-қўшилларингизни галати, ноқулай аҳволга тушириб қўяётганлигини негадир ўйламайсиз.

Бу янгилаётган Ўзбекистондаги ягона ўзинга хос «Хўрмат белгиси»ми ёки ўзбек тупроғининг биринчи «демократи» тўғрисида кимлардир «ёмон фикрга бориб қолмаслигининг» олдини олувчи тадбирми, билмадим.

САЙЛОВЧИЛАР ҳузурига келишга қўлингиз тегмай қолди. Айни бир пайтда эса матбуот орқали сизни очик-ойдин маззақ қила бошлашди. Ҳамюртимиз у ёқда турсин, бошқа би-

ров ҳақида ҳам бундай адолатли, лекин аччиқ гап-сўзларни ўқиш бизни ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Афсуслар бўлсинки, бунақа гаплар ўзингиз фарзанд бўлган, томирингизда унинг қони оқаётган халқ орасида ҳам юрибди...

Мамлакат Олий Кенгаши сийсиаларида сизга қараб туриб уялиб кетади киши — бу нотикми ёки бирор марта ҳам муваммо қўймайдиган, қўйилганини ҳам дипломатик йўл билан айланиб (тажриба катта, ахир) ўтиб кетадиган усте «дикторми?» деган ўйга боради одам. Ўзбекистонлик депутатлар ҳеч балони ўйламайди, нима десанг индамай қўл кўтараверишда ва шунинг учун ҳам буйсунувчанларга ўхшайди деганда сизни назарда тутишмасмикин баъзи ўртоқлар.

Майли сайловчиларингизнинг ҳузурига келишга сизнинг вақтингиз (бу ҳар биримизга ёмон таъсир қилса-да) йўқ ҳам дейлик, бироқ газета орқали уларга муурожаат қилиш имкони бордир, ахир. Мамлакатда бебошлик ҳукм сурган шу кунларда «Иттифоқ» бўлиши керакми ё йўқми» деган масалалар кун тартибиде турган Бутуниттифоқ референдуми арафасида халқимизга сиздан бошқа ҳамма муурожаат қилди. Редакцияга телефон қилган сайловчиларингизнинг «Нишонovich Москвага бориб, ўз халқидан юз ўгирдимми?» деган саволига жавоб бериш осон эмас. Ишонинг, Фарғона водийсида бўлганда уларнинг кўзига қараш ва сиз учун ҳисобот бериш жуда қийин. Бугун ҳамма саволлар жавобини журналистлардан сўрашади. Улар сизнинг тўраларча «марҳамат» кўрсатишингизга ишонмай қўйишган. Журналистлар эса ҳақиқатни гапиришга бурчли. Биз нима дейлик? Рафиқ Нишонovich баландпарвоз ваъдалар соясиде ўзини вояга етказган халқдан юз ўгирди, уни унутди дейликми?

Ишни бажаролмаслик мумкин, ҳатто хато қилиш ҳам мумкин — ҳеч иш қилмаган хато ҳам қилмайди. Лекин, аслида қўлини совуқ сувга ҳам урмасдан ўзини қизгин фаолият билан банд қилиб кўрсатиш энди кетмайди! Сизга ваколат бериб, кўп нақазлар билан мамлакат парламентиға юборишди. Сиз эса бу халқни бутунлай унутяпсиз. Бундай шароитда софдиллик қилиб, халқ ишончи — ваколатдан воз кечган маъқул эмасми?! Боз устига аллақачонлар бу ишонч намоян бўлмай ҳам қўйган...

ИсмаТ ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» журналилари бош муҳаррири.

(«Молодежь Узбекистана» рўзномасининг 1991 йил 26 март сонидан).



Янги нарх-наво муносабати билан савдо тармоқларида харидорларга хизмат кўрсатиш тадбирлари кўпчилигини ташвишлантирмоқда.

СУРАТДА: Янгиариқ тумани ИИБ участка вакили милиция лейтенанти Ражаббой Жуманиёзов, Янгиариқ қишлоқ Кенгаши раиси Йўлдош Ражабов, туман матбуот жамияти бошқаруви раиси Абдушариф Маткаримовлар савдо хизматини тўғри ташкил этиш ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

РАҲМАТ СЕНГА, «ЦЕЗАРЬ»!

Вилоят ички ишлар бошқармасига Хонқа туманидан ташвишли хабар келди. Оператив гуруҳ манзилга етиб борганида бир маст киши қўлида ов милтиги билан оила аъзоларига ва кўни-қўшилларига таҳдид солар, бошқалар эса қўрқув ва саросимада қандай чора кўришни билмай туришарди.

— Мен «Цезарь» лақабли хизмат итим билан унинг орқа томонидан айланиб ўтишга аҳд қилдим, — дейди катта инспектор-кинолог, милиция катта лейтенанти Раҳматулла Рўзиматов. — Лекин захнаш устидеги кўприк вазифасини бажарувчи темир лапанглаб кетди. Бу овоздан сергакланган маст киши шошилиб милтиқни менга тўғриллади. Очгинини айтсам, бутун аъзойи баданимни совуқ тер босди. Жиноятчи билан кўп марта юзма-юз келганман, аммо ажал билан биринчи марта...

Йўқ, милтиқ қулоқини қо-

матга келтиргудек даражада овоз чиқариб отилмади. Оний лаҳзаларда шиддат билан отилган «Цезарь» маст кишининг қўлидаги қуролни тушириб юборди. Кейин эса унинг ўзини йиқитди.

— Эртаси кунини ўша одамни терговчининг хонасида учратдим, — дейди Р. Рўзиматов. — Лекин итга тишлатганми учун менга ёвқараш қилмади. Аксинча, «Раҳмат сенга, агар итинг милтигини тушириб юбормаганида отиб қўйган бўлардим», — деди.

Ҳа, Хоразм вилояти ИИБда хизмат итларини ўргатишга катта аҳамият берилаяпти. Ўз навбатида бу ҳаракат ижобий самарасини кўрсатаяпти. Жумладан, 1990 йил ва шу йилнинг уч ойи давомида 16 та жиноят тўрт оёқли «дўстлар» ёрдамида очилди. Худди шунингдек, тўрт марта қуролли жиноятчилар гуруҳи зарарсизлантирилди.

К. ОСТОНАЕВ,
Хоразм вилояти.

МАСТ ХОТИН ПИЧОҚ УРДИ

Ичкилик кимларнинг кучига куч қўшмайди дейсиз. Фарғона шаҳридаги уй-интернат тарбиячиси 35 ёшли И. Татьяна кайфиятини яхши-

лаш мақсадида қиттан отиб олгач, ён қўшнисини М. Ёқубов билан гижиллашиб қолди. Қаҳр-газаби бениҳоя ошган ва ичини қиздираётган таҳдид қилишди. Емон ишга қўл уришларига улгурмасдан милтиқли безорилар милиция ходимлари томонидан ушлан-

ароқ авраган аёл қўлига шартта ошпичоқни тутиб, «рақиб» курагига санчди.

Низо пайтида соғ аёлга шайтоннинг ўзи бас келмаса, бошқанинг иложи йўр-у, энди маст хотинни қўяверинг. Ундан азият чеккан М. Ёқубов касалхонага ётқизилди.

дилар. Текширишда уларни жасоратта отлангирган нарса томоқни ҳўллаган ароқ экани аниқланди. Ғ. ТЕМИРОВ.

МИЛТИҚЛИ БЕЗОРИЛАР

Шанба учрашувлари

ЧУЛПОН

ТАБИАТ КИТОВИДАН

Кўклам... ернинг тинч уйқуси бузилгон,
То қалбидан кучли ҳовур чўзилгон.
Бир қиш ухлаб, бир қиш ётиб зериккан,
Кенг кўкларга яйраб-яйраб қарайди,
Кун тигида — сочларини тарайди,
Неча ойлик ҳаваслари бириккан!
Болалари — дарахтларни эмизиб,
Шохларидан кўзларини олмайди,
Ҳар кун янги бир «усту бош» кийгизиб,
Ясантириб чарчамайди, толмайди,
Дарахтлар ҳам соғлом, тегин боладай

Ҳар кун эмас, ҳар нафасда ўсади,
Кулангани ёйиб ташлаб толадай —
Она ернинг юзларини тўсади...
Шохчаларга секингина ўрмалаб,
Новдаларда қанот ёзар баргчалар,
Юмшоқ еллар эржалатиб, сийпалаб
Бетларидан ўлиб-ўлиб кечалар...
Баргчаларда болалиқнинг сурури,
Енгил-енгил қалтирашиб уйнайлар,
«Жувонмарглар» ҳеч ўйинга тўймайлар.
Болалиқнинг малол келмас гурури,
Юзларига бир нўрнамлик беради,
Кўнгилларга уйқу киби киради.
Ҳар баргчаларнинг табиатдан тилаги:
Шу яшашнинг томирини узмаслик,
Шу нашъани, шу роҳатни бузмаслик.

1927 йил.

СВЕТОФОР

Юр дейсан, тўхта дейсан,
Одамлар гамин ейсан,
Биз хотиржам сен бўлсанг,
Светофор, светофор.

Кўча, чорража жойинг,
Тартиб сақлар чироғинг,
Хизматинг бор киройин,
Светофор, светофор.

Енмай қолсанг аҳвол тенг,
Ҳайдовчилар хангу манг,
Пийдалар ҳам гаранг,
Светофор, светофор.

Йўллар гавжум, шошқатор,
Сен борки, йўқ хавф-хатар,
Нурларинг оқ йўл тилар,
Светофор, светофор.

Зубайдулло МУҲАММАДИЕВ,
милиция майори.
Қамаши тумани.



Қондан буздингизку,
Кўчқорбой!

Ж. ҚОЗОҚОВ

олган сурътли лавқа.

КУЗАТИШ

Кеч ҳам тушди. Кўчаларда одамлар сийрак. Шаҳар сонсиз чироқлар нурида чўмилмоқда. Бир неча соатлардан сўнг эса хонадон ёрдулари ўчирилгач, баланд-баланд иморатлар ҳайбатли тус олади.

Хизмат постида бурчини ўтаётган Қўрқмас Каримов ҳар гал шундай манзаранинг гувоҳи бўлади. Нимагадир иморатларни, одамлар тиниқиб ухлаётган бу кўпқаватли биноларни зимистонда кўришни сира ёқтирмайди.

Ўз ўйлари билан кинотеатр ёнидан ўтиб кетаркан, ҳозир мазза қилиб фильм томоша қилаётганларга ҳаваси келди. Албатта, кўлчилиги йигитлар, қизлар. Қайси фильмини олма, барибир севги ҳақида. Қўрқмас кўз олдига хаёлан унинг воқеаларини келтираркан, ўзини қаҳрамон ўрнига қўйди. Унга тақлид қилиб энди бир пари билан танишмоқчи бўлганида формада эканлиги ёдига тушди. Иложини топган эдики, ширин хаёлларини ёнидан пошнасини тўқиллатганча ўтиб бораётган қиз бўлиб, унинг елка оша ёйилган сочлари Қўрқмаснинг бўйнидан ипсиз боғлаб тортиб кетаверди. Юзларига бир назар ташлаш мақсадида қадамини тезлатди. Буни пайқаган қизнинг юрагига гўлгула тушдики, илдамроқ одимлай бошлади. Йигитнинг катта-катта қадамлари кўп ўтмай уларни деярли тенглаштирди. Париси тушмагур кутилмаганда шартта бурилиб, унга тик қаради. Довдираб қолган милиционер янаям тезлигини ошириб, муюлишга етгандагина ўзини аранг тўхтата олди. Анчагача «лапашангдан олиб, ландовурга» солди ўзини.

Нотаниш чехранинг ҳадиж тўла қараб туриши кўзидан нари кетмади. Уни жуда қўрқитиб юборганлиги шундоқ ҳам маълум эди. Бу ношудлигини кечира олмаганидай,

унинг сиймосини ҳам унута олмади.

Янаги навбатчилигида ўтган галги маршрут бўйича юборишларини қандай илтимос қилганини сезмай қолди.

Бетоқат хаёлларини ўғирлаган санамни кутар экан, гўёки, ўтиб бораётган қизларнинг ҳаммаси унга ўхшашдек туюлаверарди. Адаштириб қўйишдан чўчиб кўзларини қадайдди. Ўтганлар ҳам ҳайрон. Қўрқмас умидини узай деб турганида трамвай бекатидан бир қиз нела бошлади. Бу ўша... Ҳа, кўзлари алдаётгани йўқ. Лекин қайси тил билан, нима деб гап қотсин.

Милиция формасида орқасидан кузатиб келаётган йигитни сезган қиз ўғирилиб сўради:

— Кечирасиз, сиз бирор нарса сўрамоқчимисиз?

— Йўқ. Рухсат берсангиз, ўзимни таништирсам. Милиция сержанти Каримов.

Яна нима деяркин дегандай ҳайрон, саволмуз нигоҳларга дош беролмаган сержанти:

— Ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, соғ-омонлиги учун жавоб берамиз. Кузатиб қўйишга ижозат берсангиз, — деди беихтиёр.

— Ҳаммани шундай кузатиб қўясизми?

— Худди шундай. Ҳаммани.

Қиз олийгоҳнинг кечки бўлимида ўқишини билган Қўрқмас хизмат вазифасида бўлмаган кунлари ҳам атай форма кийиб кузатиб қўядиган бўлди. Бора-бора индамас кузатувлар турли маъзудаги суҳбатларга айланди.

Ҳадемай Меҳрининг ўқиши ҳам тугайди. Қўрқмас эса фақат хизмат вазифаси юзасидангина эмас, умрининг бутун давомида унинг соғ-омонлиги, осойишта, бахтли яшашига жавобгарлигини зиммасига олишни истайди. Қиз эса булардан беҳабар.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.

ЗАМОНАВИЙ «ХЛЕСТАКОВ»

Туманга янги ишга келган пайтларим, уй-жойим йўқлиги учун меҳмонхонада яшаб юрардим. Милиция сержанти Фарҳод Тангриев билан бир хонада турадим. Меҳмонхона «бекаси» Муножот исмли бева аёл. У катта администратор бўлса-да, штатлар кам бўлгани учун ўзи навбатчилик ҳам қиларди.

Меҳмонхонада одам кам бўлганлиги учун (бор-йўғи 13 ўрнили) ким келиб, ким кетганлигини билиб турасиз. Бир кун иккита юк машинасида уч киши келиб жой олишди. Ҳайдовчиларнинг айтишича, улар қаердандир жўжа сотиб олишга келишган экан. Ишлари битмай, бир неча тунашга қарор қилишди.

Мен хонада нимадир ёзиб ўтиргандим, ўзини қўярга жой тополмай Муножотхон кириб келди.

— Вой, ўлай, нима қилман, ревизор босди? — деди кира солиб.

— Нима гап ўзи? — тинчлантирдим уни, — қанақа ревизор? Қаердан, қайси ташкилотдан келибди? Хужжатларини кўрдингизми?

— Вилмадим, — деди Муножот, — ревизорман, деди холос. Журналлар, қогоз-

ларимни ҳаммасини олиб қўйди.

Мен бориб администратор хонасининг эшигини очдим. Бояги юк машинасида келганлардан бири савлат тўкиб ўтирар, олдидаги стол устига қогозларни ёйиб қўйиб, телефонда ким биландир сўзлашарди: «... Ҳа, «шеф», нарушение гиж-гиж. Ҳа, яхшилаб текшираман. Бир-иккитасининг судга ўтиши аниқ...»

Мен ҳайрон қолдим. Тафтишчи бўлса нега кечаси жўжа ташийдиганлар билан келади? Нега коммунал хўжалик бўлими бошлигини, ҳисобчинни огоҳлантирмасдан тафтишни бошлаб юборади? Нега қайси ташкилотдан эканлиги, кимлигини айтмабди?

У менга эътибор ҳам бермасдан телефондаги суҳбатини давом эттирарди.

... Йўқ, раҳм-шафқат қилиш йўқ. Мени биласиз-ку, ипидан-игнасигача аниқлайман. Бўйинга беш-олти мингни осиб қўяман, ўзига келиб қолади...

Унинг ким, қаердан «ташриф буюрган»лигини сў-

рамоқчи бўлдим-у, бирдан калламга бошқа фикр келди. «Бека»миз кўпинча кечалари уйига кетиб қолар, унинг қулфлоглик хонасидаги телефон эса жиринглайвериб асафимизга тегарди. Шунинг учун телефоннинг симини ташқаридан кесиб, яна улаб қўйгандик. Кечаси жиринглайверса, ўша еридан узиб қўярдик.

Шартта ташқарига чиқдим-да, симларнинг бирини улаган жойидан ажратиб қўйдим. Қайтиб ичкарига кирсам, «тафтишчи Хлестаков жаноблари» ҳамон телефон дастасини ютиб юборгудек ҳолатда гапирарди. Муножотга ҳеч хавотирланманг, ҳаммаси жойида, дедим. Хонамга қайтиб кирсам Фарҳод ҳам ишдан келиб, каравотда ястаниб ётган экан. Икковимиз «Хлестаков»нинг яна қандай хунар кўрсатишини кузатишга қарор қилдик.

«Хлестаков» администратор хонасидаги тафтишини «қисман тугатиб», бир қанча меҳмонхона хужжатларини чўнтагига солиб олди-да, шерикларини (яъни икки

ҳайдовчини) чақириб, киного отланди. Биз ҳам изма-из йўлга тушдик. «Хлестаков» билет олиб, икки шеригини киного киритиб юборди. Ўзи эса кассани текширишни бошлади. Касса тўйнуғи олдида одамлар тўпланиб қолишди. Биз ичкарига кирдик ва «Хлестаковга» ўзимизни таништириб, унинг кимлигини сўрадик.

— Мен оддий Совет Иттифоқи фуқаросиман, — жавоб берди у.

— Нега меҳмонхонада, кинотеатр кассасида тафтиш ўтказаяпсиз? — сўрадим ундан. — Сиз тафтишчи эмассиз-ку?

— Нима, — ҳайрон бўлди у, — мумкин эмасми?

— Ҳа, сизга мумкинмас.

— Ундай бўлса кечирасизлар, — деди-у, жуфтанин ростлаб қолмоқчи бўлди. Лекин биз кетишига йўл қўймадик.

Кейин билсак, у паррандачилик цехида ишчи бўлиб ишларкан. Ўша кун чўнтак қуруқ бўлгани учун Хлестаков ролин уйнаб, бироз пул ишлаб олмоқчи бўлибди. Айтишича, туманимиз маркази унга жуда «провинциал жой», одамлари эса содда бўлиб туюлганмиш.

М. БЕК.

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТНИ ҚАҚШАТИШДИ

Эквадорнинг энг йирик шаҳри ҳисобланган Гуаякиль кейинги пайтда автомобиль эгалари учун хавфли жой сифатида «шухрат» қозонди. Машина олибқочарларнинг уюшган галалари автоҳаваскорларни том маънода ҳоли жонига қўймашти. Уларнинг қўллари қайтадан рулни бошқариш бахтидан умидларини узиб қўйишган.

Навбатдаги жабрланувчи... Эквадор вице-президенти Луис Пароди бўлди. Гуаякиль марказида унга қарши Япониянинг «Мазди» фирмасида ишланган автомашинани олиб қочибди. Вице-президент ҳайдовчиси атғи бир неча дақиқага машинани ёлғиз қолдирганди, лекин «жасбининг моҳир усталари»га бу фурсат етарли экан.

Маҳаллий полициянинг зўр бериб қидиришига қарамай машина ўғирлари кзини топиб бўлмади.

«ТОРГОВАЯ ГАЗЕТА» ДАН ТАРЖИМА.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗилГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Ловатки кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Моҳият Қизил Вайроқ ордени билан боғланган 700023, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўрибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегияси МВД
УзССР

Ўзнома офсет усулида, А-3 қолипда

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Буюртма № 5235.

Индекс: 84615.